

# ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: ТАРИХИЙ КЕЛИШУВЛАРГА БОЙ САМАРАЛИ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 26-27 январь кунлари давлат таширифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлат таширининг асосий тадбирлари 27 январь куни ўтказилди.

Дастлаб Бишкекдаги “Ала-Арча” қароргоҳида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаров фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров тор доирада учрашув ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари таклиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, кейинги икки йилда Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлиги самарали ривожланганини қайд этди.

— Қирғизистон бизнинг муҳим стратегик ҳамкоримиз, энг яқин қўшимиз ва вақт билан синалган дўстимиздир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар охириги икки йилда ўзаро муносабатларни мутлақо янги даражага олиб чиқишга эришгани таъкидланди. Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасининг делимитацияси якунига етказилгани эса тарихий воқеа сифатида эътироф этилди.

Музокараларда икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми етти баробарга кўпайганини мамнуният билан қайд этди.

Икки мамлакат ҳукуматларига савдо ҳажмини янада ошириш ва ўзаро маҳсулот етказиб бериш номенклатурасини кенгайтириш юзасидан биргаликда ишлаш бўйича топшириқ берилди.

Саноат, тўқимачилик, энергетика, қон ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида янги қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Шу мақсадда Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт фондининг салоҳияти янада фаол ишга солинад.

Давлат раҳбарлари минтақавий тузилмалар ва халқаро мулоқот майдонлари доирасидаги ҳамкорликни, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик, замонавий хатар ва таҳдидларга самарали қарши курашиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Сўнг музокаралар икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, қатор вазирлик ва вилоятлар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилди.

Давлатимиз раҳбари яна бир бор самимий қабул ва меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик билдириб, Президент Садир Жапаров раҳбарлигида Қирғизистонда амалга оширилаётган муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар Ўзбекистонни қувонтираётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Олий даражадаги мулоқотлар тизимли ва фаол тус олгани ҳамкорликни салмоқли даражада мустаҳкамлаш, янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва амалий шерикликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Томонлар ўзаро стратегик шерикликни чуқурлаштириш бораси-

да биргаликда ишлашга қатъий интилишини билдирдилар. Мамлакатларимиз ўртасида тузилган Чегара тўғрисидаги шартнома қардош халқларимиз томонидан кўтаринки руҳ билан қабул қилингани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосий устувор йўналишларини қайд этди. Бу, биринчи навбатда, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтиришдир.

Шу мақсадда томонлар учинчи мамлакатлардан импорт ўрнини ўз ишлаб чиқарувчиларимизнинг арзон маҳсулотлари билан тўлдариш, шунингдек, икки мамлакат пойтахтларида савдо марказларини ташкил этиш масалаларини ўрганишга келишиб олдилар.

Саноат кооперацияси доирасида қарийб 500 миллион долларлик янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Автомобиллар, замонавий маиший техника, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, фойдали қазилмаларни биргаликда қазиб олиш ва қайта ишлаш шулар жумласидан.

Мамлакатимиз етакчиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим йўналиш сифатида қайд этди.

Интенсив боғлар ва иссиқхона ҳўжаликларини ривожлантириш, картошка, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етштириш ва бошқа қўшма лойиҳаларни ишга туширишга қаратилган агрокооперация дастурини амалга ошириш шу мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги шериклик ва тўғридан-тўғри ало-

қаларни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик стратегик аҳамиятга эга экани қайд этилди. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича ишларни фаоллаштириш, Андижон — Ўш — Иркештом автомобиль йўлининг салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, шу мақсадда қўшма транспорт-логистика компаниясини ташкил этишга келишиб олинди.

Музокараларда энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Гидроэнергетикадаги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, “Қамбарота ГЭС-1” қурилиши борасидаги биргаликдаги савдо-ҳаракатларни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Тарихи ва дини, тили ва маданияти муштарак бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган қатор аниқ ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, улуг қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг 95 йиллигини кенг нишонлаш, Ўшда Бобур номидаги Ўзбек мусиқали драма театрининг очилишида биргаликда спектакль намойиш этиш, зиёлилар ва ёшларни фаол жалб қилган ҳолда янги формат — Авлодлар мулоқотини ташкил этиш, талабалар спартакиадаси, қўшма фестивал ва концертлар, ижодий тадбирларини ўтказиш таклиф қилинди.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Садир Жапаров икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги — кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқувчи Декларацияга имзо чекдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро ва ҳудудлараро ҳужжатлар алмашилди. Жами 25 та ҳужжат имзоланган, шу жумладан: — Ўзбекистон — Қирғизистон Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрликларини алмашиш тўғрисида баённома;

— Қирғиз Республикасида автомобиль ва тижорат техникасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Стратегик савдо-иқтисодий шериклик тўғрисида 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган дастур;

— Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фуқароларнинг ўзаро бориб-келишлари тўғрисидаги битимга Баённома;

— Чегараолди вилоятлар раҳбарлари кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги меморандумга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Баённома.

Вазирлик ва идоралар ўртасида қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, божхона, саноатнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, инновациялар ва илмий тадқиқотлар, ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, шунингдек, Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш режаси имзоланди.

Шунингдек, Жиззах ва Иссиқкўл, Андижон ва Ўш, Фарғона ва Боткен, Наманган ва Жалолобод вилоятлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган комплекс дастурлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказдилар.

— Давлат таширимиз Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигида ўтаётгани рамзий маънога эга, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон раҳбари ишонч ва конструктив мулоқот руҳида ўтган олий даражадаги учрашувлар натижаларини юксак баҳолади. Томонлар кўп қиррали ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини батафсил муҳокама қилиб, уни чуқурлаштириш бўйича аниқ қарорлар қабул қилганларини таъкидлади.

Ўзбекистон — Қирғизистон Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартнома тузилгани икки томонлама муносабатларда чинакам тарихий воқеа бўлгани қайд этилди.

— Чегарани делимитация қилиш масалалари тўлиқ тартибга солингани икки томонлама ҳамкорлик ва ҳудудлараро алмашинувлар ривожига муҳим ўрин тутди, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Музокаралар якунида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация бўлди. Бу, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлидаги кўп қиррали ҳамкорлик ривожига янги даврнинг бошланишидир.

Савдо ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамкорлигининг энг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланди. Кейинги йилларда товар айирбошлаш етти баробар кўпайди ва 1,3 миллиард долларга етди.

Икки мамлакат ҳукуматлари олдига товар айирбошлашни, шу жумладан, импортнинг ўрнини фаол тўлдирish ва савдо марказларини ташкил этиш орқали икки миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Куни кеча ўтган бизнес форумида умумий қиймати 1,6 миллиард долларлик шартнома ва келишувлар имзолангани ҳам ушбу мақсаднинг муваффақиятли рўёбга чиқишига хизмат қилади.

Автомобиллар, қурилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотлари ва калава ип, электротехника товарлари ва электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган йирик кооперация лойиҳалари шулар жумласидан.

Томонлар икки мамлакат корхоналари ва сармоядорлари иштирокида энергетика ва қон тармоқларида, шу жумладан, қўшма саноатда йирик инфратузилмавий лойиҳаларнинг амалга оширилишидан манфаатдор.

Бу борадаги ишларни тизимли асосда ташкил этиш учун Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт фонди кенгайтирилади, Стратегик савдо-иқтисодий шериклик бўйича 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ҳамда Саноатнинг устувор йўналишларини ривожлантириш тўғрисида битим қабул қилинди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида томонлар мамлакатларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини биргаликда етиштириш ва етказиб беришга келишиб олдилар.

Яна бир стратегик йўналиш — транспорт коммуникацияларини ривожлантириш.

— Савдо-ҳаракатларимизнинг муваффақияти кўп жиҳатдан транспорт соҳасидаги ҳамкорлигининг самарадорлигига боғлиқ, — деди Ўзбекистон Президенти.

Музокаралар давомида етакчилар Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш борасидаги савдо-ҳаракатларни фаоллаштиришга аҳдлашиб олдилар. Энергетика соҳаси ҳам, хусусан, “Қамбарота ГЭС-1”ни биргаликда барпо этиш масалалари атрофида қўриб чиқилди.

— Ушбу мегалойиҳа, ҳеч шубҳасиз, нафақат Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг, балки бутун минтақамизнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Музокараларда ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чегараолди вилоятлар раҳбарлари кенгашининг йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш мазкур алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Уш шаҳрида реконструкцияси якунига етаётган Бобур номидаги Ўзбек мусиқали драма театри қардош халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёрқин рамзи бўлиши таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига давлат таширифи аяқунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ■ Акс садо

# ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МИНТАҚАВИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК БЎЙИЧА ЭНГ МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЗЧИЛ ИЛГАРИ СУРМОҚДА

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР БИШКЕКДА БЎЛИБ ЎТГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН САММИТИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА.

Шу йилнинг 26-27 январь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев давлат таширифи билан Қирғизистонда бўлди. Музокаралар якунида имзоланган муҳим ҳужжатлардан бири — Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация. Халқаро экспертларнинг фикрича, ташириф давомида эришилган келишувлар нафақат икки мамлакат манфаатларига жавоб беради, балки Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги салоҳиятни ошириш ва ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ишига ҳам хизмат қилади.

**Шоҳаб БАЖВА, Стратегик коммуникациялар бўйича компания директори (Буюк Британия):**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат таширифи кўп асрлик муштарак тарих ва маданий ришталар боғлаб туради-

ган икки давлатга хос бўлган олий даражадаги ўзаро ишончли мулоқотнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Шубҳасиз, мазкур саммитнинг асосий натижаси Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасини делимитация қилиш жараёнининг аяқунланиши

бўлди. Бу, ҳеч муболағасиз, тарихий ҳужжат бўлгани ҳолда дўстона муносабатларни янада ривожлантириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши ва пиروвардида бутун Марказий Осиёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш

учун мустаҳкам пойдевор бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг конструктив сиёсати туфайли икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар сўнгги йилларда янги ўсувчанлик касб этганини алоҳида қайд этишни истар эдим.



# ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МИНТАҚАВИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК БЎЙИЧА ЭНГ МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЗЧИЛ ИЛГАРИ СУРМОҚДА

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР БИШКЕКДА БЎЛИБ ЎТГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН САММИТИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА.



Кўша бизнес форуми якунлари бўйича умумий қиймати 1,6 миллиард АҚШ долларига тенг битим ва шартномалар имзолангани бу фактни тасдиқлайди.

Икки мамлакатнинг кимё ва тўқимачилик sanoati, машинасозлик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт логистикаси корхоналари учун саноат кооперацияси ва қўша лойиҳаларни амалга ошириш учун катта имкониятлар очилмоқда.

Бўлиб ўтган таширф икки давлат раҳбарлари ва халқларининг минтақавий интеграцияни мустақамлаш борасидаги сиёсий иродасини намойиш этди.



**Солих ЙИЛМАЗ, Россия ва МДҲ мамлакатларини ўрганиш институти директори (Туркия):**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг прагматик минтақавий ва яхши қўшнчилик сиёсати Марказий Осиёда ҳамкорликнинг барча йўналишида катта натижаларга эришиш имконини берди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарларининг мунтазам шахсий мулоқотлари, сиёсий иродаси ҳамда улар ўртасида ўрнатилган очиқ, ишончли мулоқот тўғрисида икки томонлама муносабатлар бугун сифат жиҳатдан янги босқинга кўтарилди.

Шу ўринда икки давлат ўртасидаги муносабатлар 2017 йили ўрнатилган дўстлик, яхши қўшнчилик ва стратегик шериклик руҳида фаол ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2022 йилда мамлакатлар давлат чегарасини ҳуқуқий расмийлаштиришнинг энг муҳим вазифасини ҳал қилишга муваффақ бўлди, хусусан, давлат чегарасининг айрим участкалари бўйича шартномалар ва Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш бўйича битимлар имзоланди ва ратификация қилинди.

Ишончим комилки, Ўзбекистон раҳбарининг ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтган Бишкекка давлат таширфи якунлари Ўзбекистон — Қирғизистон стратегик муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади ва минтақавий ҳамкорликка кучли ўсувчанлик бағишлайди.



**Макс СЕЙ, «Kingsley Strategic Institute» институтининг ижрочи директори (Малайзия):**

— Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар мутлақо янги босқинга кўтарилди, тарихий натижаларга эришилди. Хусусан, сиёсий мулоқот фаоллашди, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар кенгайтирилди, Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасини делимитация қилиш якунланди, ҳудудлараро фаол ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бишкекда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзаро савдо ҳажминини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, энергетика, электротехника, тўқимачилик, тоғ-кон sanoati, агросаноат ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишдан томонларнинг манфаатдорлигини яна бир бор намойён этди.

Музокараларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан белгиланган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устуворликлари жуда муҳим ва ўз вақтида белгилангани билан эътиборлидир. Томонлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, автомобилсозлик, замонавий маиший техника ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фойдаланган қазилмаларни биргаликда қазиб олиш ва қайта ишлаш каби соҳаларда янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқмоғи зарур.

Таширф арафасида ўтказилган бизнес форуми доирасида қиймати 1,6 миллиард доллар ҳажмидаги салмоқли шартномалар тўплами имзоланганини қайд этиш жоиз. Бундан ташқари, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми етти баробар ошди. Биргина 2022 йилнинг якунлари бўйича товар айланмаси ҳажми 30 фоизга

ортиб, қарийб 1,3 миллиард долларга етди.

Албатта, транспорт ва логистика соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳар икки давлат учун стратегик аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини жаддаллаштириш ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни мустақамлашга, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун пойдевор яратишга хизмат қилади.



**Фотима БАДАВИЙ, «Ахбар ал-Йаум» газетасининг мухбири (Миср):**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат таширфи ва Президент Садир Жапаров билан ўтказган самарали, таъбир жоиз бўлса, тарихий учрашуви натижалари бошқалар учун намуна бўла оладиган даражада кечди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Қирғизистон Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ҳамкори, энг яқин қўшниси ва вақт билан синалган дўстидир, дея эътироф этилиши икки давлат ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқинга кўтарилганидан далолат беради.

Айниқса, Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасини делимитация қилиш якунлангани, “Қабарота ГЭС-1” қурилиш борасидаги ҳамкорлик, таширф доирасида турли соҳаларни қамраб олган 25 та ҳужжатнинг имзолангани икки қардош халқлар дўстлиғи учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

Мазкур таширфнинг кўлами ва кўзланган мақсадлари мамлакатлар ўртасидаги узоқ муддатга мўлжалланган дўстлик ҳамда ишончли шерикликка замин яратди.

Ўтган йил якунларига кўра икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 1,3 миллиард долларга етди, 300 дан зиёд қўша корхоналар ташкил этилди. Таширф арафасида бўлиб ўтган бизнес форуми доирасида эса умумий қиймати 1,6 миллиард долларлик салмоқли битимлар тўплами имзолангани мамлакатлар иқтисодиёти бир-бирини тўлдириши ва фойдаланиш мумкин бўлган улкан салоҳият мавжудлигини кўрсатди.

Мени ўзига тортган жиҳат шу бўлдики, Ўзбекистон раҳбариятининг Марказий Осиёда олиб бораётган ташки сиёсати бутун минтақада хавфсизликнинг кучайтирилиши ва чегаралараро савдо фаоллашувиغا олиб келди.

Барчамизга маълумки, яқин қўшнчилик ришталарини таъминлаш ва ўзаро ишончли мустақамлаш узоқ муддатли даврда аҳоли фаровонлиғи ҳамда мамлакатлар барқарорлигининг кафолатидир.



**Пак Жунг ХО, Халқаро иқтисодий сиёсат институтининг Россия — Евроосиё гуруҳи раҳбари (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари барча соҳада жадал раванк топаётгани билан ажралиб туради. Ҳар икки томон ҳам ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштиришга катта аҳамият беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг яхши қўшнчилик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга бўлган интилиши юксак эътирофга лойиқдир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат таширфи буни яна бир қарра тасдиқлади.

Саммит, шунингдек, таширф якунлари бўйича имзоланган муҳим икки томонлама ҳужжатлар тўплами ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлидаги яна бир эътиборга молик қадам бўлгани ҳолда улар минтақада тинчликни таъминлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Музокараларнинг асосий мавзуларидан бири транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлаш, хусусан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиш ишларини фаоллаштириш, шунингдек, Андижон — Ўш — Иркештом автомагистралли салоҳиятидан тўла фойдаланиш ҳамда шу мақсадларда қўша транспорт-логистика компаниясини тузиш бўлди.

Ишончим комилки, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ишга туширилиши билан икки давлат ўртасидаги товар алмашиш ҳажми сезиларли даражада ортади. Бу, шунингдек, Хитойдан Ўзбекистон орқали Европага ва Форс кўрфазига мамлакатларига юк ташувларнинг кўпайишига кўмаклашади.

Менимча, Ўзбекистон раҳбарининг Бишкекка давлат таширфи якунлари Президент Шавкат Мирзиёев тўғрисида янги сўрнат касб этган икки мамлакат ўртасидаги шериклик ва қардошлик муносабатларининг ишончли эканлигини яна бир бор намойён қилди.

Аминманки, икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада фаол ривожлантириш нафақат қардош мамлакатларнинг иқтисодий равнақига, балки бутун минтақа тараққиётига хизмат қилади.



мамлакат ўртасидаги давлат чегарасининг барча баҳсли участкалари бўйича эришилган якуний келишувни алоҳида таъкидламоқчиман.

Мазкур келишувлар давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган мисли кўрилмаган интилишларидан далолат беради ва икки қардош халқлар фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга давлат таширфи якунлари нафақат икки томонлама муносабатларини янада ривожлантиришга янги сўрнат бағишлайди, балки бутун Марказий Осиё ва Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатлари манфаатларига хизмат қилишига ишончим комил.

**Шавкат ИСМОИЛОВ, Остона шаҳри қирғиз этно-маданий бирлашмаси раиси, Қозоғистон халқи Ассамблеяси кенгаши аъзоси:**

— “Биз кўп асрлар давомида қўшни бўлганимиз ва шундай бўлиб қоламиз” деган оддий ҳақиқат Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг асосига айланди.

Бугунги кунда ушбу ришталар мутлақо янги сиёсий ва иқтисодий динамикага эга бўлиб, бу ўзаро муносабатларнинг изчил ва ҳар томонлама ривожланишига, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Қувонарлиси, Президентларнинг сиёсий иродаси тўғрисида 30 йилдан ортиқ вақт давомида икки мамлакат чегарадош вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик масалаларида жиддий аҳамиятга эга бўлган давлат чегарасини делимитация қилишнинг кўплав масалалари ҳал этилди.

Қўшнилар тинч ва тотувликда яшаса, улар учун умумий манфаатларга дахлдор бўлган ҳар қандай вазифалар, жумладан, минтақавий хавфсизлик, энергетика, сув ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиғи, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш осон бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги мулоқот янги босқинга кўтарилди ва давлат раҳбарлари стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришга бел боғлагани эътиборга молиқдир.

«Дунё» АА.

## НУҚТАИ НАЗАР

### КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Сир эмас, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиёда азалий дўстлик, яхши қўшнчилик алоқалари янада мустақамлашиб, минтақа давлатларининг барча йўналишдаги ҳамкорлиғи янги босқинга кўтарилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланиб бораётгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Маълумки, дини, тили, қадриятлари ва масоимлари бир-бирига уйғун бўлган ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан эт ва тирнок, қуданда бўлиб яшаб келган. Яхши кунда ҳам, синовли палларда ҳам бир-бирига елкадош ва тирнақ бўлган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга амалга оширган бу галги давлат таширфи ҳам икки халқ орзу-умидларини рўёбга чиқаришга йўналирилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Таширф давомида эришилган келишувлар, шу жумладан, давлат раҳбарлари томонидан икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги, кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқувчи Декларациянинг имзоланиши ҳамда давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро ва ҳудудлараро имзоланган жами 25 та ҳужжат, албатта, қардош халқларнинг манфаатларига хизмат қилади.

Хусусан, Жиззах ва Иссык-кўл, Андижон ва Ўш, Фарғона ва Боткен, Наманган ва Жалолобод вилоятлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган комплекс дастурлар икки давлат ҳудудларининг ҳали ишга солинмаган иқтисодий, ижтимоий салоҳият ва имкониятларидан самарали фойдаланиш учун мустақам замин яратиши, шубҳасиз. Бунда чегараолди вилоятлар раҳбарлари кенгашишни ташкил этиш тўғрисидаги меморандумга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Баённома ҳам муҳим ўрин тутди.

Стратегик савдо-иқтисодий шериклик тўғрисида 2023 —

**Анвар ТҲҲИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## КЎП ҚИРРАЛИ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида кўп қиррали алоқалар яхши йўлга қўйилган бўлиб, сўнгги 5-6 йилда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Самарали ҳамкорлик замирида икки мамлакат миллий манфаатлари ҳамда давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган доимий мулоқоти муҷассам, десак, айни ҳақиқатни айтад бўламиз.

### Фикр

Ҳар икки мамлакат ҳам бир кунда, яъни 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигини қўлга киритган. Дипломатик алоқалар 1993 йилда ўрнатилган бўлиб, шундан бери ўзаро муносабатларни тартибга солувчи 213 та ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида 1996 йил 24 декабрдаги Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2017 йил 5 октябрдаги Стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшнчилик ва ишончли мустақамлаш тўғрисидаги декларацияни алоҳида тилга олиш жоиз.

Ҳозирда ўзаро ҳамкорлик кўплаб соҳаларда жадал ривожланиб, стратегик шерикликнинг янги даражасига кўтарилди. Икки мамлакат ўртасидаги борди-келди алоқалари мисли кўрилмаган даражада ривожланмоқда.

Савдо-иқтисодий муносабатларга назар ташласак, улар мунтазам ўсиб бораётганини кўришимиз мумкин. 2016 йилдан 2022 йилгача

### Сенат кўмитасида

## ЎТГАН ЙИЛГИ ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ



Таъкидланганидек, кўмита томонидан ҳисобот даврида қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, парламент назоратини амалга ошириш йўналишларига доир жами 55 та масала удаланди. Масалан, қонунчилик фаолияти доирасида 19 та қонун дастлабки тарзда қўрилган ҳамда Сенатнинг ялли мажлиси муҳокамасига киритилган ва маъқулланган. Иқтисодиёт тармоқларида ислохотларни

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда кўмитанинг 2022 йилдаги фаолияти натижалари ҳамда жорий йилдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

амалга ошириш йўналишида 6 та қонун ижроси ҳолати юзасидан мониторинг ўтказилган ва қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Қолаверса, назорат-таҳлил йўналишида кўмита томонидан тайёрланган маълумотлар асосида қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, Давлат бюджети, инвестиция дастурлари ижросини таъминлаш ҳамда

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш каби қатор масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг 7 та ҳисоботи ва 14 та ахбороти эшитилган. Давлат бюджети ижроси юзасидан 4 маротаба молия вазирининг ахбороти ҳамда Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда эшитилиб, Сенат ялли мажлисига ҳулоса киритилди. Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш ҳолати бўйича Бош вазир ўринбосари ҳамда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш ва Қурилиш вазирликларининг ахборотлари тингланди.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлардан “Ташаббусли бюджет” бўйича ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳолати ўрганилди ва кўмита мажлисида муҳокама қилинди.

Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларнинг тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорлик қилиб бориш, уларнинг фаолиятига услубий жиҳатдан

кўмаклашиш мақсадида доимий комиссия аъзолари иштирокида кўмитанинг 27 та мажлиси ўтказилиб, уларда 48 та масала кўриб чиқилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ўрганилиб, Сенат ялли мажлисларида ҳудуд раҳбарларининг ахборотлари эшитилганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, йиғилишда ҳисобот даврида кўмита аъзолари томонидан аҳоли муурожаатларини ҳал этиш мақсадида сайловчилар билан 508 та учрашув ташкил этилган, 2563 та муурожаатдан 2079 таси ёки 81 фоизи ижобий ҳал қилинганига урғу берилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан, шунингдек, кўмита фаолияти билан боғлиқ муаммолар ҳам борлиғи қайд этилиб, 2023 йилда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».



Муносабат

НОТЎҒРИ ТАЛҚИНГА ҲАМ, ХАВОТИРГА ҲАМ АСОС ЙЎҚ

Мамлакатимизда кейинги йилларда нафақат газ таъминоти, балки электр энергия таъминоти бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Бу борада Ўзбекистон қўллаб ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Ўзбекистон Энергетика вазирлиги газ саноати соҳасида Россиянинг “Газпром” компанияси билан ҳамкорлик бўйича имзолаган “Йўл харитаси” ҳам шулар жумласидан. Аммо мазкур ҳолат ижтимоий тармоқларда турли муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Ҳўш, ўзаро ҳамкорликдан қўзланган асосий мақсад ва унинг аҳамияти нималардан иборат? Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ботир МАРДАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва “Газпром” компанияси ўртасида газ соҳасида ҳамкорлик бўйича бўлиб ўтган музокара-лар ҳамда унинг натижаларини турлича талқин қилиш ҳолат-лари ўчрамоқда.

Бу борада Энергетика вазир-лиги томонидан вазирлик ҳамда “Газпром” компанияси ўртасида жорий йилнинг 24 январь куни газ соҳасида ҳамкорлик бўйича бўлиб ўтган музокара-лар ва унда муҳокама қилинган масалалар, шунингдек, имзоланган “Йўл ха-ритаси” тафсилотлари тўғриси-да расмий маълумот ҳам берилди.

Унга қўра, мавзу Ўзбекистон-га табиий газ етказиб бериш-нинг техник имкониятларини му-ҳокама қилиш бўлиб, бунда Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи газ қувури ор-қали транзитини амалга ошириш учун зарур бўладиган техник чора-тадбирлар томонлар ўрта-сида тузилган ишчи гуруҳи иш-тирокида ўрганиб чиқилди. Ўрга-ниш якунлангандан сўнг табиий газни етказиб бериш бўйича асосий шартлар муҳокама қи-ланди.

Хар соҳада бўлгани каби та-биий газ қазиб олишда ҳам, ет-казиб беришда ҳам иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоб қи-нади. Шундан келиб чиқиб, баъ-

зида қазиб олишдан кўра, им-портни амалга ошириш ҳар то-монлама самарали бўлади. Хомашё ва энергоресурслар им-порти қўшилган қиймат ярати-лишига хизмат қилади.

Вазирлик расмий маълумоти-дан кўриниб турибдики, музока-раларда фақат техник ўрганиш-лар ва ундан кейин зарур ҳисоб-китобларга эга бўлинган асосий шартлар муҳокама этилишига келишилган. Бу, албатта, Ўзбе-кистон Республикасининг мил-лий манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилган ҳолда амалга оширили-ши, натижалари юзасидан жа-моатчиликка доимий ахборот бе-риб борилиши тўғрисида баён этилган.

Тасдиқланган “Йўл харитаси”-да ҳам Ўзбекистон Республика-сининг мавжуд газ транспорт ти-зиммига эгаллик ва бошқарув ҳуқуқи тўлиқ сақланган ҳолда ички бозорга табиий газ зарур миқдорда етказиб берилиши мақсад қилинганлиги, бунда газ транспортни тизими кимгадир бе-рилиши ёки суверенитетимизга қандайдир таҳдид умуман йўқлиги алоҳида таъкидланган. Шундай экан, мамлакатимиз аҳолисини бу масалада хотиржамликка чақириб, фақат расмий манба-ларда берилган маълумотларга асосланиб мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бекмирза ЭШМИРЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мамлакатимизда аҳолини узулксиз ва арзон энергия ре-сурслари билан таъминлаш бо-расида салмоқли ишлар қилин-моқда. Хусусан, сўнгги йиллар-да Ўзбекистонда иссиқлик, қуёш ва шамол электр станциялари-ни қуриш бўйича хорижий ин-весторлар билан умумий қийма-ти 6 млрд. 919 млн. долларга тенг йиғирмага яқин битимлар имзоланди.

Соҳада эришилган ютуқлар ҳақида тўхталганда юртимиз ис-теъмолчиларига электр энер-гиясини ҳисобга олиш ва назо-рат қилишнинг автоматлаштирил-ган тизими жорий этилиб, 7,5 мил-лионга яқин истеъмолчиларга замонавий электр ҳисоблагичлар бепул ўрнатиб берилганини ало-ҳида таъкидлаш ўринли.

Албатта, соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас: эскирган тармоқ-ларни янгилаш ва шу орқали энергия йўқотилишини мумкин қадар камайтиришга эришиш, шаффофлиқни таъминлаш, тўлиқ рақамлаштиришга ўтиш, муқобил энергия манбаларини яратиш, таъкидликни бартараф этиш ор-қали ўғирликларга барҳам бе-риш ва, албатта, истеъмол ма-даниятини шакллантириш, энер-гия ҳамда ресурс техашни му-

ҳим одатлардан бирига ай-лантиришимиз шарт.

Аммо кунлар кескин совий бошлаганидан сўнг истеъмолчи-ларнинг ҳам электр энергияси, ҳам газга бўлган талаби ортиси-табий. Қолаверса, аномал совуқ об-ҳаво шароитида магистраль газ қувурлари ва тармоқларида табиий газ босими пасайиши ку-затилмоқда. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи айрим иссиқ-лик электр станцияларига бел-гиланган ҳажмлардан кам миқ-дорда табиий газ етиб бораёт-гани, ўз навбатида, электр энер-гияси ишлаб чиқариш ҳажми па-сайишига олиб келди.

Бугунги кунда энергия ресурсларига бўлган аҳтиёж ор-тиб бораётгани туфайли уларни қўшни давлатлардан импорт қилиш юзасидан музокара-лар олиб бориляпти. Лекин, таас-суфки, айрим фуқароларимиз бу борадаги ишларни нотўғри талқин қилаётган ҳолатлар уч-рамоқда. Ваҳоланки, бугун юр-тимизда айни йўналишда олиб борилаётган ишлар аҳолини бар-қарор электр энергияси билан таъминлашга қаратилгандир. Де-мак, биз бундай ваҳималарга ишонмаслигимиз ва ортиқча ха-вотирга тушмаслигимиз лозим.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Энергетика вазирлиги газ саноати соҳасида Россиянинг “Газпром” компанияси билан ҳамкорлик борасида имзоланган “Йўл харитаси” бўйича баёнот билан чиқиб, мамлакат иқтисо-диёти ёки суверенитетининг бу-ғуни ва эртаси юзасидан хаво-ти билдирган жамоатчиликка аниқ ҳамда лўнда жавоб берга-нига гувоҳ бўлдик.

Ўз вақтида очикланган ишонч-ли маълумот жамиятда юзага келиши мумкин бўлган асосииз ва шошилинч ҳулосаларга, чал-ғитувчи давватларга барҳам бе-риши мумкинлигини вазирлик-нинг баёноти мисолида ҳам кўрсак бўлади.

Аслида, очик ва шаффоф жа-миятда бундан бошқача йўл тутиш ҳам мумкин эмас. Давлат аҳамиятга молик масалалар, аҳоли ҳаётини яхшилашга хизмат қиладиган лойиҳалар юзасидан тўғри, ҳолис ва очик ахборотга бўлган аҳтиёж ўсиб бораётгани бугунги ҳалқимиз ҳам, давлат бошқаруви идоралари ҳам ав-

валгилардан фарқ қилишини яққол исботлади.

Такрор бўлса-да, таъкидлаш жоиз, вазирлик газ транспорт тизими кимгадир берилиши ёки суверенитетимизга қандайдир таҳдид умуман йўқлиги бўйича аниқ ва лўнда жавоб берди.

В а з и р Ж ў р а б е к Мирзасамъудов Ўзбекистон қўшни давлатлардан энерго-ресурсларни қандайдир “альянс ёки иттифок” доирасида эмас, им-порт шартномалари орқали сотиб олиш бўйича музокара-лар ўткази-лаётгани, Россиядан мамлакатига табиий газ етказиб бериш-нинг техник имкониятлари муҳо-нимга этилганини маълум қилди.

Шу нўқтани назардан айтсак, бу ерда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Зеро, мамлакатимиз-да энергетика соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар аҳолининг фаровон яшашига, тадбиркорликни ривожлантириш, энг муҳими, ҳалқимизнинг ман-фаатларига қаратилгани билан эътиборга молик.

«Халқ сўзи».

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг ййигилишлари бўлиб ўтди. Уларда депутатлар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрияти улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Тадбиркорлар ва ишби-лармонлар ҳаракати — Ўзе-кистон Либерал-демократик партияси фракцияси ййигили-шида, асосан, иқтисодиётни жа-дал ривожлантириш ва юқори ўсиш суьратларини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, таълим, маданият, туризм ҳамда инсон капитални ривожлантиришининг устувор йўна-лишлари бўйича амалга оширил-ган ишлар депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Тақдим этилган ҳисоботга қўра, мамлакатда олиб борилган изчил ислохотлар натижасида ўтган йил-да ялпи ички махсулотнинг ўсиши аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 105,7 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг ҳужабдорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳу-сусан, 11,8 млрд. долларлик хо-рижий инвестициялар ўзлаштири-либ, инвестиция дастурлари дои-расида умумий қиймати 12,7 млрд. долларлик 12,6 мингта лойиҳа-ни ишга тушириш ҳисобиға 305 мингга яқин янги иш ўринла-ри яратилди.

Эътиборлики, республиканинг экспорт салоҳиятини кучайтириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 млрд. АҚШ долларига етказиш мақса-дида 15 млрд. долларлик товар ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

Ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва до-имий даромад манбаларини шакл-лантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички мах-сулотдаги улушини 80 фоизга ва

экспортдаги улушини 60 фоизга етказишга қаратилган ишлар ҳам эътирофга лойиқ.

Фракция аъзолари Давлат дастурининг ижроси юзасидан қатор саволлар берди. Депутат-лар томонидан кўтарилган бар-ча саволларга тегишли вазир-ликлар масъуллари атрофлича жавоб қайтарди.

Ўзбекистон “Миллий тик-ланиш” демократик партия-си фракцияси аъзолари Дав-лат дастурининг мактабга таъ-лим ҳамда халқ таълимини ри-вожлантиришининг устувор йўна-лишлари бўйича амалга оширил-ган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Тақдим этилган ахборотга қўра, ўтган йилда мактабга таълим-даги қамров даражасини кен-гайтириш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилган. Хусусан, 647 минг 655 нафар 6 ёшли бола-лар мактабнинг тайёрлов тизими-га жалб этилиб, қамров даражаси 67 фоиздан каммида 90 фоизга ет-казилган. Қолаверса, 2 048 та нодавлат мактабга таълим таш-килоти фаолияти йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, ҳисобот даври-да олий таълим билан қамров да-ражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш мақса-дида қабул параметрини шакл-лантириш ва тасдиқлаш тартиби соддалаштирилгани ушбу жараён-да олий таълим муассасалари ваколоти кенгайтирилганлигини ижобий баҳолашди.

Ййигилишда республикада 17 миллиондан зиёд хотин-қизлар ҳақида маълумот базасини ўз ичи-га олган “Хotin-qizlar.uz” миллий платформаси яратилгани ва у ор-

қали эҳтиёжманд оилалардаги илмга интилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 84 104 та ариза электрон қабул қилиниб, улардан 35 689 нафарига тавсиянома берилгани ҳам депу-татлар томонидан эътироф этилди.

Шу билан бирга, муҳокамалар давомида таълим тизимидаги муаммолар, жойларда айрим фан ўқитувчиларининг етишмаслиги, қоғозбозлик ҳолатлари ҳамон мавжудлиги айтилиб, бу борада зарур чоралар кўрилиши керак-лиги таъкидланди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари Давлат дастури ижроси доирасида қилин-ган ишларни алоҳида эътироф этиб, аҳолига кўрсатилётган тиб-бий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самара-ли фойдаланиш бўйича зарур та-всиялар берди.

Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботда келтириб ўтилганидек, ўтган даврда 106 та оилавий шифокор пункти ва по-ликлиника, 1 мингта маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Бу орқали 3,5 млн. аҳолига бир-ламчи тиббий хизмат яқин-лаштирилди. Илғор хорижий таж-рибалар асосида, аҳолининг ка-фолатланган бепул тиббий хизматга бўлган аҳтиёж баланси ишлаб чиқилди. “Тиббиёт брига-далари”га қўшимча 3 минг 600 та педиатрия ҳамшираси ва доя штатлари ажратилди.

Оилавий шифокорлар томони-дан бепул тарқатиладиган дори-лар 45 турдан 70 турга етказилди. Бунга ажратилаётган маблағ-лар ҳажми эса ўтган йилдагига нисбатан уч барабар оширилди.

820 та бирламчи тиббиёт муас-сасасига ташхис ускуналари ет-казиб берилган ҳолда оилавий поликлиникаларда 19 мингдан зиёд кундузги шифо ўринлари ташкил этилди. Натижада 740 минг аҳоли шифохонага бор-масдан, маҳалланинг ўзида даво-ланиши учун имконият яратилди.

Шунингдек, 10 млн.дан зиёд 40 ёшдан ошган аҳолининг 70 фоизи кардиологик ва қандли диабет ка-саллигини эрта босқичда аниқлаш бўйича скрининг текширувидан ўтказилди. Ўқори технология опе-рацияга муҳтож 16 минг бемор-дан 3 минг 200 нафари вилоят ва туманларнинг ўзида даволанди.

Ўз навбатида, дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш, аҳолига арзон ва сифатли махсулотлар етказиб бе-риш, жумладан, “Электрон ре-цепт” тизимини тақомиллаштириш ва кенг жорий этиш, нархларга риоя этилишини онлайн кузатиш-нинг ахборот тизимини яратиш борасидаги ишлар ҳам депутат-лар муҳокамаси марказида бўлди.

Ўзбекистон ХДП фракция-си аъзолари кейинги йилларда мамлакатимизда ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни самарали ҳал этишга, ижтимоий соҳанинг барқарорлигини таъминлашга, эҳтиёжманд қатлам вакиллари-н хар томонлама қўллаб-қувватлаш-га алоҳида эътибор қаратилаёт-ганини таъкидлашди.

Ҳисобот даврида мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу ор-қали 2026 йил якунига қадар кам-бағалликни камида икки баробар қисқартириш мақсадида 2022 йил-да аҳолининг бандлигини таъмин-лаш дастурига асосан 251 минг-та аҳоли доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларга жалб эти-либ, йиллик прогност кўрсаткич 118,3 фоизга бажарилди.

Фракция аъзолари ҳукуматнинг ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашининг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини оши-риш борасидаги амалий ишлари-ни алоҳида эътироф этди.

Муҳокамалар жараёнида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, касб-ҳунар-га тайёрлаш, хотин-қизлар, ёшларни ижтимоий қўллаб-қув-ватлашни кучайтириш, одамлар-

нинг турмуш шароитларини яхши-лаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Фракция аъзолари шароити оғир ва кам таъминланган кекса-ларга дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосла-маларининг ажратилиши ҳамда жарроҳлик амалиётларининг хара-жатлари қўллаб берилиши маса-ласида ҳудудларда қатор камчи-лик ва сусткашликлар кузати-лаётганини айтиб, мазкур йўна-лишни янада тақомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзола-ри Давлат дастури доирасида экология ва атроф-муҳитни му-ҳофаза қилиш, шаҳар ва туман-ларнинг экологик аҳолини яхши-лаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, аҳолини тоза ичимлик суви би-лан таъминлаш борасидаги иш-ларни алоҳида эътироф этди.

Қайд қилинишича, 2022 йилда дастур ижроси доирасида сув таъ-миноти объектларида 3 937 км. узунликдаги ичимлик сув тармоқ-лари янгидан тортилди. Аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда оқова сув тармоғи билан таъминлаш мақсадида барча дастурлар дои-расида республика бюджетининг 3,3 трлн. сўм маблағлари ўзлашти-рилиб, унинг ҳисобидан 809 та иншоот ҳамда 6,9 минг км. ичим-лик ва оқова сув тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинди.

Марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даража-си ўтган йил бошида 69,7 фоиз бўлган бўлса, йил якунига қўра ушбу кўрсаткич 74,4 фоизга етди. Фракция аъзолари эришилган ютуқларни эътироф этаркан, бу борада қилиниши лозим бўлган ишларга ҳам тўхталиб ўтди. Ху-сусан, аҳолининг эҳтиёжидан ке-либ чиқиб, тоза ичимлик суви етиб бормagan чекка ҳудудларда сув таъминотини йўлга қўйиш чора-ларини янада жадаллаштириш, бунда маҳаллий давлат ҳокимия-ти органларининг масъулиятини кучайтириш лозимлиги айтилди.

Кизгин, азамий ва талабчан-лик руҳида кечган савол-жавоб-лардан сўнг, депутатлар Вазир-лар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллади.

«Халқ сўзи».



Об-ҳавонинг кескин совиши каттаю кичик давраларнинг бош мавзусига айланди. Ижтимоий тармоқлар, айрим “ватанпарвар” ва “халқпарвар” блогерларни-ку қўяверинг, совуқнинг хабарини эшитишни билан бонг уришни бошлашди. Гўёки, куз ўтиб, қиш келишини билмагандек. Бундай маломатлар ҳали-бери тинмаса керак.

Хуллас, бугун табиат минтақамиз-га хос бўлмаган иқлим билан энергия манбалари имкониятларига қўзу ту-ди, гўё. Табиий энергия ресурслари ҳаёсиз эмаслиги, ундан бетежам фой-даланиш қандай оқибатларга олиб ке-лиши, муқобил манбаларга ўтиш фу-расати етганлигини эслатиб қўйгандай...

Мамлакатимизда йилнинг 300 кун-и қуёшли бўлиб, у сувнинг табиатида ай-ланishi, шамол каби жараёнларнинг манбаи ҳисобланади. Яъни қуёш электр энергияси ишлаб чиқаришда нефть, қўмир ва газ ресурсларининг муқобили ҳисобланади. Ундан сама-рали фойдаланиш ва қўламни ошириш мақсадида республикаимизда 2019 йил 21 майда “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши тўғриси-да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ўша йилнинг 22 августда Президентимизнинг “Иқтисодиёт тар-моқлари ва ижтимоий соҳанинг энер-гия самарадорлигини ошириш, энер-гия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия ман-баларини ривожлантиришининг тежор-чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, соҳа ривожига ҳуқуқий асос яратилди. Хорижий инвесторлар жалб этилиб, қўллаб-қувватлаш лой-иҳалар ишлаб чиқилди.

Навоий вилоятининг Кармана ту-манидаги умумий қиймати 110 милли-он долларлик, 100 мегаватт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси шу-лардан бири. Унинг фаолият бошла-ши йилга 79 миллион кубометр та-биий газни иқтисод қилиш имконини беради — 264 гектар ер майдонини эгаллаган станцияда йилга 260 мил-лион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаришмоқда.

Яқин истиқболда эса қурилиш ло-

Жараён

йиҳаси “PFI Awards” томонидан кун-и кеча “Марказий Осиёда йилнинг энг яхши битими” деб топишган Зараф-шон шаҳридаги 500 МВт қувватга эга шамол электр станцияси ҳам унинг қаторига қўшилади. У ишга туширил-гач, йилга 545 миллион кубометр та-биий газ тежалади. Ва қарбонат ан-гидрид чикндисини йилга 1,1 мил-лион тоннага камайтириб, йилга 500 минг хонадоннинг истеъмолига тенг бўлган 1,6 миллиард кВт/соат электр ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Вилоятнинг Нурота, Қонимех, Қизилтепа туманларида ҳам мазкур йўналишларда ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Мазкур йирик электр станциялари билан бирга Навоий вилоятида қорхона-лар ва ижтимоий соҳа объектларида ҳам муқобил энергия манбаларини ўрнатишининг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилиб, унга қўра жами 1 минг 725 та субъект муқобил энергия манбаидан фойдала-нишга ўтказилади. Биргина ўтган йил 154 та объектнинг муқобил энергия манбаларидан фойдаланиши оийга ўртача 233 минг кВт/соат электр энер-гияси тежалишига олиб келди.

— Қорхонамиз маъмурий биносига 50 киловаттлик қуёш электр панелла-рининг ўрнатилиши умумий эҳтиёж-имизнинг 70 фоизини қаноатлантирмоқ-да, — дейди “Навоий ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси” АЖ муҳандиси Нарзибек Ҳайитов. — Натижада ойига 8 минг 400 ёки йилга 101 минг кВт/соат электр энергиясини тежаб, ор-тиқча ишлаб чиқарилган қувват тар-моқларга тарқатишмоқда.

Вилоятда бугун “Кизилқуммечент” АЖ маъмурий биноси, вилоят ҳоким-лиги, иккита олий таълим муассаса-сининг ўқув бинолари ва талабалар тураржойлари, ўнлаб мактаб ва мак-табга таълим муассасалари, шифо масканлари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида янги-ча қиёфа касб этган ҳудудларнинг кўча ёриткичлари муқобил электр манбаи-га ўтказилди.

— Йигирма беш йилдирки, тадбир-

корлик билан шуғулланаман, — дейди Навоий шахрлик Нигора Рўзиева. — Автосервисимизга қуёш панеллари ўрна-тилгач электр тармоқларидан узилдик. Йлгари электр энергияси истеъмоли учун хар ойда 350 — 400 минг сўм пул тўла-ган бўлсак, эндиликда ўн йил ер ва мол-мулк солиқидан озод этилганмиз.

Муқобил энергиянинг иқтисодий са-марадорлигини вилоят солиқ бошқар-маси мутасаддилари ҳам яхши би-лашди. Бошқарма маъмурий биносига ўтган йили 460 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, 40 киловаттлик қуёш па-нелли электр энергияси манбаи ўрна-тилган.

— Ушбу манба ёрдамида кунига 500 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилиб, шундан 350 киловатти бош-қарма эҳтиёжлари учун ишлатилмоқда. Ортган 150 киловаттини электр тармоқ-ларига сотиб, кечки пайт 50 киловатт электр энергияси сотиб оламиз, — дей-ди вилоят ДСБ ходими Нурбек Сафаров. — Натижада илгари бир ойда қарийб 6 миллион сўмга электр энергияси со-тиб олган бўлсак, қуёш панеллари ту-файли бугунги кунда ойига 150 минг сўм даромад оламиз. Энг муҳими, ягона энергия тизимига 12 минг 400 кВт/соат электр энергиясини тежаш билан ўз ҳис-самизни қўшмоқдамиз.

Энди сўзимиз бошидаги мулоҳаза-ларга қайтсак. Қўриниб турибдики, мамлакатимизда аҳоли, қорхона ва ташкилотларни узулксиз электр энер-гияси билан таъминлашнинг истиқбол-ли лойиҳалари амалга оширилиб, бун-да битмас-туганмас энергия манбаи-дан фойдаланиш устувор этиб белги-ланган. Кенгроқ миқёсда олганда, бу — куз ўтиб қишни ўйлашгана эмас, балки тобора захираси камайиб ке-таётган анъанавий энергия ресурслари инқирозига олдиндан тайёргарлик-дор. Қолаверса, “ашил” энергетика мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини жадаллаштириш баробарида атроф-муҳит муҳофазаси йўлида жиддий қадам ҳисобланади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).



Маълумки, бундан қарийб ярим асрча олдин Орол денгизи балиқлари, хусусан, Қорақалпоғистон балиқчилик саноати нафақат минтақамиз, балки дунёга машҳур бўлган. Таассуфки, денгиз қуригач уларнинг олдингидек табиий ҳолда кўпайиши кескин камайиб кетди. Бугунги кунда ҳудуддаги мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда балиқ етиштиришда интенсив усулларни кенгроқ қўллаш орқали тармоқни ривожлантириш зарурати пайдо бўлди.

Изланиш

Бу борадаги ишларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда Президентимизнинг 2020 йил 29 августда қабул қилинган “Балиқчилик тармоқини қўллаб-қувватлаш ва унинг самара-дорлигини ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётди. Мазкур ҳужжатда балиқчилик ҳўжаликлари коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлардан фойдаланган ҳолда балиқ бо-қилиш ташкил қилиши ҳамда бу борада коллектор-дренаж сувларидан олиб фойдаланиш-ган сув ресурслари солиқ со-лиш объекти ҳисобланмасли-ги кўрсатиб ўтилган.

— Президентимизнинг ушбу қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъмин-лаш мақсадида ўтган йили ҳудудлардаги балиқчилик ҳўжаликлари фойдаланиши мумкин бўлган коллектор-дре-наж тармоқларининг рўйхати шакллантирилиб, расмий сай-тимизда эълон қилинди, — дейди Қорақалпоғистон Рес-публикаси Сув ҳўжалиги ва-зирлиги ҳузуридаги мелiora-тив экспедиция бошлиғи И. Жанабаев. — Шунингдек, ҳудудларда коллекторларда балиқ боқилиши йўлга қўйиш бўйича тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Даст-лабки йил балиқ боқиш му-кин бўлган жами 387 кило-метр коллектор ораликлари эълон қилинган бўлса, шун-дан 41 километрлик қисми





**Президентимизнинг шу йил 25 январь куни қабул қилинган “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Захриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори маданий ҳаётимизда катта воқелик бўлди. Ушбу муҳим ҳужжатда таъкидланганидек, жонажон Ватанимиз миллий ривожланишининг янги босқичига — учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳасида tub ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Зеро, бу улуг инсоннинг ҳаёти ибратли, асарларидаги ғоялар қадри барча замонда ҳам заррача пасаймай келмоқда. Айниқса, буюк шоҳ ва шоирнинг бекиёс илмий-ижодий мероси бугунги сершовкин дунёда, турли-туман ахборот ҳужуви ағас олган, инсоннинг ўз моҳияти ҳақида ўйлаши зарур бўлган бир пайтда ғоят аҳамиятлидир. Зеро, бу асарлар инсонни ҳаммаша ўзини тафтиш қилишга ундайди, она юрт қадрини аниқлаб туради, ватангарварликка чорлайди.

Тақдир инъоми билан Бобур Мирзонинг ўзи ҳақида, ўз аъмоли ҳақида, ўзи яшаган замону маконлар ҳақида, давр кишилари ва замонининг роиши ҳақида маълумот беришни “Бобунома” асари бизгача етиб келди.

“Бобунома” ҳазрат Бобур ҳақида сўзлайди. Унинг отасидан айрилган куни мурғак кўнглида кечганларини юрагининг тубига

кўмиб, бирдан улғайган онларидан, шеърга дўнган армон тўла ҳаётидан ҳикоя қилади. “...Фарғона вилоятига ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим”, деб бошлайди китобни Бобур. Шу кундан қалби гул инсоннинг боши тошларга урилди — у тақдир синовлари ичида сарсон-саргардон юрди — гоҳ енгди, гоҳ енгилди, тоғларини йўқотди, излаганини топди ва охири-оқибат мунгли бир ҳақиқатни англаб етган “Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим”, дея ёзгирди.

“Бобунома” мамлакатлар ҳақида сўзлайди. Бобур Мирзо илҳосиз китобга кетган, юрагидagi армонлардан бино бўлган, ҳасратдан ўлғайтирилган ватанлар ҳақида сўзлайди. Улар — Андижон, Самарқанд, Қобул, Ҳиндистон. Уларни Бобурнинг тақдир йўллари бир-бирига туташтирди.

## Маънавият

“Толеъ йўқи жонимга баолоғ бўлди”, деб ҳасрат қилган шоир толесиз кўнглирига эш бўлаб яшади, курашди, дунёдаги катта ҳукмдорлар ҳам амалга оширолмайдиган ишларга қўл урди, уларни уддалади...

Қалбини бобоси Амир Темуру салтанатидек улкан давлатни қуриш истаги болалигидек қўлаган Бобур Мирзо Самарқандга кириб боришга журъат қилди, шухрат топди. Қамалда ҳам қолиб, лашкари билан бирга кўп азобларни тортди, кейинроқ турли тadbирларни қўлаб яна Самарқандга интилди, уни эгаллади. Шундай бўлса-да, ёшлиги ва гўрлигидан муайян ҳулосалар қилди: “*Ҳар шиким айладим, халотил бўлди*”...

Шоиртабиат бу шоҳ бошқа ҳукмдорлардан фарқи уларок кўпроқ кўнглига қулоқ тутди. Шу боис бошқа томонларга ўз бурди — ҳаммасини ташлади-кетди, гуссадан қонга тўлган кўнглининг ҳасратларини яширди:

*Менинг кўнглимни гулнинг  
гўнчасидек тах-батаҳ қондур,  
Агар ўз минг баҳор ўлса,  
очилмоғи не имкондур.*

Мазкур байт, аслида, Мирзо Бобурнинг ишқий мавзудаги ғазалидан. Бир қарашда у фақат ёрнинг ҳажрида битилгандек. Албатта, байтдаги бу мазмунни инкор қилиб бўлмайди. Аммо ундаги изтиробнинг кучи шоирнинг бутун ҳаётига дахлдор. Бир ёнда армон билан ёниб эслагани — Андижон, бир ёнда ўз ихтиёри билан ташлаб кетгани — Самарқанд, Шайбонийхон қўлига тушган опаси — Хонзадабегимнинг тақдирини, юраги тубига кўмган ақилларнинг хиёнатини, ишонган-

ларининг сустқашлиги, яна бир ёнда тожу тахт илинжидаги душманлар....

Олдинда эса катта йўл. Оғир ва машаққатли йўл. Ор ва номуз йўли. Катта орзуларга эришиш имкони. Фақат бу йўлдан юришни ууддалаш керак. Олдинда — Афғонистон, Ҳиндистон... Шоир ишқ ҳақида ёзганим, ёрнинг висолу ҳижрони ҳақидами — ўз ҳаётини, тақдирини — бошидан кечирган изтиробларини улардан ажратиб қўя олмайди. Муҳаббат ва нафрат, борлиқ ва йўқлик, тириклик ва ўлим, жамият ҳаёти, инсон тақдирини, шоир шахсининг бутунлигини — буларнинг ҳаммаси ишқ изтиробларига ҳам уйғунлашиб кетади, тасвирга кўнади. Чунки ошшқ бўлган шоир шахс сифатида ўзининг бошқа кечинмаларини унутиб олормайди. Ўз туйғуларини бир ўзига бирлаштиради, шеърлари қувватини кўчатиради.

Ҳазрат Бобур қайҳоний андозада фикрлайдиган катта инсон — катта шахс эди. Унинг шахс сифатидagi бутунлиги ёзиб қолдиргани — “Воқеанома” саҳифаларига муҳланган. Бу зотнинг ҳар бир ҳаракати, аъмоли, сўзлари, сийбати атрофидагиларга ибрат эди. Жatto ўлим билан неча бор юзма-юз келган бўлса, ҳар сафар уни охиригача ҳис қилишга журъат ва куч топиши, ўзини шунга таяёлигини намоийш қила олиши унга эш бўлган йигитларга, лашкарга жуда катта мадад берарди...

Бир сафар йигитлари билан Қобул сари отланган Бобур қаттиқ бўронга дуч келади. Қор шунчалар қатталашадики, охири-оқибат йўл ёпилади. Шунда йигитлар белигача, кўксига-ча қорга ботиб қор тепиб, йўл очади. Бобур бу воқеани шундай эслаган эди: “... Ана шу кунни қаттиқ бўрон қўтаришиб, қор ёқарди. Барча ўлим ваҳимасига тушди...”. *Фарға етганда, қор қуюни тезлашди. Ушбу қор қошида тушмадим...* Қўлар от устида тоғе оттирди, қор торроқ кўрindi. Мен горниҳе оғзида курак олиб, қор қурадим, қорни қўксимача қазидим, сира ерга етмасди. Бироз шамолдан пана бўлди, ўша ерда ўтирдим. Қор қанча: “*Фарға қирине*”, дейишса ҳам кирмадим. Барча эл қору бўронда, мен эса иссиқ уйда истироҳатда ўтирмаганим, деб ўйладим. Мўнда барча эл ташвиш ва машаққатда, мен бу ерда ўқуюча фароғатда бўлайми? Бу мурувват ва ҳамжисахатликдан широк шидир. Мен ҳам ҳар ташвиш бўлса қўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса, турайин. Бир форсий мақол бор: “*Дўстлар билан бирга топилган ўлим — тўйдир...*”.

Улуг аждодимиз бундай туйғуларни кечир-иш билан бирга ҳаётни севарди. Шу боис ҳам:

*Бўлмадим умрумда  
бир дам хотири хуррам била,  
Гар шиктин келса  
бир дамни кечурманг ғам била,*

каби мисралари билан ўзгаларни ҳаётни севишга, умрнинг қадрига етишга чорларди.

Бобур Мирзо Ҳиндистонда ватан кўрди. Боғ-роғлар яратди. Дастлаб кириб борганида кўнглига маҳзунлиқ солган, ғариб кўринган ерларни обод қилди... Лекин Самарқандни унутмади, уни мудом соғинди. Алишер Навоийни ўқиди...

Икки буюк шахс — ҳазрат Навоий ва Бобур Мирзо тақдирини шеърятга туташтирди. Юрт ғами, мамлакат ободлиги, эл фаровонлиги йўлидаги орзулар бирлаштирди. Ҳазрат Навоий Хусайн Бойқаро саройида амирлик қилиб, эл ғами билан ёниб яшаган бўлса, Амир Темурудек улкан салтанат қуришни истаб, умри юртирлик билан ўтган Бобур Мирзо гурбатда ватан кўрди.

Ихидни энди бошлаган дамлари Алишер Навоийга мактуб битган Бобури “Бобунома”да ҳазратни қайта-қайта эслашига нима мажбур қилди? Ҳиротта борганида Алишер Навоий яшаган уйда йилгрима кун умргузаронлик қилган чоллари хотиридан кечган ўйларини, шоир барпо этган боғу роғлар, масжиду мадрасалар, ариқ-ховузаларни кўриб, юрт тиклашга мойил кўнглида нелар кечмади... Кейинроқ Ҳиндистонда Бобурнинг сай-ҳара-кати билан қад кўтарган иморатлар, яшноқ боғ ва гулзорларнинг тарҳи дастлаб Ҳиротда кўнглига тугилмаганими? Бобосидек улкан салтанат қуриш орузусида ёнган Бобурнинг қалбидagi чўғни Навоийнинг амаллари олов-лантирмадими? Бобур Мирзо Алишер Навоийни ўзига устоз деб биларди. У “Бобунома”нинг юзга яқин ўрнида бу зотни ёдга олади. Китобнинг дастлабки саҳифалариёқ шоир Андижон халқи тилининг адабий тилига тўғри келиши ҳақида гапириб, Алишер Навоийнинг Ҳиротда шу тил билан ёзиб, нашуу намо тоғанини эслайди. Мирзо Бобурнинг улуг мутафаккирдан таъсирланиб, унинг ғазалларида болган назиралари, рубоийларидаги ҳамоханлиқ — буларнинг барчаси катта инсонларнинг туйғулари. Дунёни бир макон ва замонда эмас, балки ўзгачарок — маконлар ва замонлар оша, қайҳоний андозаларда идҳок қилиши ва шеърга қўйриб ўзгалар кўнглига етаклаш қулатида.

Юртидан кетиб, саргардон юрган, Ҳиндистонга кириб борган дамлари шоир кўнглидан кечган туйғуларини Бобурдек ҳис қилиш осонмас. Бироқ унинг биргина ғазали ёҳуд тўрт мисрали рубоийси уни ҳаммага ошқор этади. Улардаги баъзан бир кишига қаратилгандек тўлган мисраларда шоирнинг хос

туйғуларини эмас, балки бутун қисматида жамланган катта дард ётибди:

*Бобур неча бу даҳр мени зор айлар,  
Сабришни каму ғамимни бисёр айлар.  
То даҳрдурур, бўдир анинг расмики,  
Ойриб кишини азизидин хор айлар.*

Нима учун Бобургача Ҳиндистонга кириб бориб, у ерда салтанат қурган шоҳларнинг шухрати Бобурчалик бўлмади? Бу ҳақда “Бобунома”да мана буларни ўқиймиз: “*Ҳазратни Рисолат (пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.) замонидан шу кунгача Ҳиндистонга биз тарафдан фақат уч кишигина ҳоким бўлиб, ўз салтанатини ўрнатган. Улардан бири — Султон Маҳмуд Қозий бўлиб, у ва унинг авлоди салтанат тахтида узоқ муддат ўтирдилар. Иккинчиси — Султон Шайбобиддин Гурий эди. Унинг ўзи, қўллари ва унга тобе бўлган кишилар бу мамлакатда қўл йиллар подиолик қўлдилар. Учинчиси — менман, лекин менинг ишим у подиоҳларнинг ишига ўхшамайди*”.

Бобур Мирзо улардан фарқи ўларок, Ҳиндистонда ватан кўрди. Самарқанддан кўнглини узоқлай, у ерга қайтолмаслигини англаб турса-да, қайтишни истаб, ўзи қайтолмасса, фарзандлари қайтишини ўйлаб яратди бу ватанин. Самарқандда, Қобулда, Ҳиротда қўзларининг тубига яширган, кўнглида асраб-авайлаган орзуларини Ҳиндистон замини узра сочди. Боғлар яратди, гулзорлар барпо этди. Бир фаслга ё бир йилга ярайдиган қамийш ўйлар ва бошқа омонат қулбалар ўрнига баланд иморатлар қўтарди, ариқлар тортирди, ховузалар қазитди, ободончилик ишларини олиб борди. Энг муҳими, элнинг кўнглига йўл топди, унинг меҳрини қозонди.

Бобур Мирзо айнаи пайтда оддий инсон эди. Қалби гўзал, кеҳиримли донишманд эди. “Бобунома”нинг мазмунини буни яна бир бор исботлайди. Турли мамлакатлар, кентлар, уларнинг табияти, у ерда яшаётган одамларнинг ҳаёти тасвирига нуктадан олим қиёфасида намён бўлган шоҳ ва шоир айнаи пайтда ўз максадига эришиш учун фармонлар чиқаради, қўйидаги йигитларни руҳлантиради, ғалабага даъват этади. Унинг қалбидagi жудодик изтироблари, соғинч ва ҳасрат ҳам “Бобунома” мисралари зиминга сингиб кетган. Бироқ шулар билан бирга Мирзо Бобур ҳаётсевар, неқбин инсон эди. Соғинч, ҳасрат ва неқбинлиқнинг уйғунлашуви унинг катта шахс сифатидаги қиёфасини намойиш қилади.

Бобур Мирзо шеърлари бугун ҳар қандай китобхоннинг қалбига кириб бора оладиган шеърят намунасидир. Уларда сохта лутф,

ортиқча жимжимдорлик, энг муҳими, риё йўқ. Шоир нимаики ёзмасин, фақат кўнглида кечирганини, бошидан ўтказганга асраб, жамлаб, жону жаҳонига айлантириб, кейин ёзди. Ўзининг эслашима, кўп вақтгача бирор ғазалини бир ёзишда охиригача тугатолган эмас. Чунки у ҳаммаша йўлда, жангда — от устида бўлди. Бир байт ёки икки байт кўнглига тугилган бу тугун шоир бошидан кечираётган бошқа воқеаларга ҳам болганиб кетгандан сўнг ечилгани боис уларнинг маъно қўламдорлиги, таъсир қуввати ортди, кўчиди. Шу боис шеърдаги дард-ҳасратнинг китобхон дардига айланиши осон кечади.

“Бобунома” моҳиятан Ватан ҳақидаги, уни севиш ва қадрлашни ўргатадиган ноёб асар. Шарҳшўнос О.И. Самойловнинг эълроф этганидек, Бобур асарларини ўрганиши, таржима қилиш ва нашр этиш бурч, шароф ҳамда бахтдир. Зеро, Бобур Мирзо шеърлари, “Бобунома” кишини йўқоликка чорлайди, унга қанот беради, руҳлантиради, қалбининг тубига назар ташлашга, яхши-ёмонни фарқлашга ўргатади. Худо берган умрни беҳуда сарфламаслиққа, қарлашга, демак, ўзгаларни ҳам севишга, асрашга ўргатади.

Бугун буюк аждодимизнинг ҳаёт йўли ва фаолиятини тарғиб қилиш, унинг халқимиз, айниқса, ёшларимиз тафаккурига чуқурак кириб бориши учун бу улкан шоир мероси билан боғлиқ ҳолда мамлакатимизда эътиборли маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилиши, дунё мутахассислари ва шоир мухлисларини жалб этиш каби масалаларни қўзлаган ушбу қарор Бобур Мирзо шахсини абадийлаштиришда муҳим ўрин тутади. Шоир шеърларидан бирида:

*Не толедур, мангачи,  
ахтари бахшим топилмаиди,  
Фалак авроқини ҳар нечаким  
дафтардек ахтардим,*

деб ёзганди.

Ҳа, фалақни дафтардек қанча varaқлаб кўрмасин, ихкорду у томонлардан ўз бахтининг юлдузини тополмаган эди. Тақдир битикларидан ёзганча шоирнинг бахт юлдузини кўриш унинг авлодларида — бизга насиб этди. Бугун Мирзо Бобур ва у каби сиймоларнинг юртимизда ўз қадрини топаётгани фақат бу зотнинг эмас, балки эзгулик муҳлиблари, адабиёт ихлосмандларининг ҳам бахтидир.

**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,**  
**Алишер Навоий номидаги Тошкент**  
**давлат ўзбек тили ва адабиёти**  
**университети доценти, филология**  
**фанлари номзоди.**

## Назорат

# ҚУРИЛИШ: НЕГА МАВЖУД ТАЛАБ ВА МЕЪЁРЛАРГА РИОЯ ЭТИЛМАГАН?

Бугунги кунда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар-туманлар архитектурaviий қиёфасини замонавий мезонлар асосида янгилаш ҳамда тақомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хўш, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий объектларни барпо этишда, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган қурилиш ишлари жараёнида белгиланган меъёр ва талабларга қай даражада риоя қилинмоқда?

Фарғона вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилаётган мониторинг давомида бу борада қатор камчиликлар аниқланиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари қўйилляпти. Масалан, Бешариқ туманининг “Файзиобод” МФЙдаги 5-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносига қўшимча хоналар қуриш объекти ўрганилганда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида энергия самарадорлик талабларига тўлиқ риоя этилмагани аниқланди.

Хусусан, ушбу объектда иккиламчи ҳамда қайта тикланувчан энергия ресурсларидан фойдаланиш талабларига амал қилинмаган. Иситиш жихозлари ўрнатиш жараёнида бинога тўлиқ иссиқлик қайтарувчи ҳимоя материаллари ўрнатилмаган. — 2022 йил 9 сентябрь куни қабул қилинган “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида маъмурий-маиший бино ва иншоотлар қурилишда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш кўзда тутилган, — дейди Фарғона вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи Дилмурод Сафаров. — Унга асосан, 2023 йил 1 январдан бошлаб янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиған барча (шу жумладан, давлат ва хусусий) бино-иншоотларни лойиҳалаштириш ва ишга туширишда иссиқ сув истеъмоли ҳажмининг камида 25 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган куёш сув иситиш қурилмалари орқали таъминланиши керак.

Шу сабабли, “Файзиобод”даги мазкур объектда юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун қурилиш-монтаж ишларини вақтинча тўхтатиш бўйича кўрсатма берилди.

Бундан ташқари, Бешариқ туманининг “Яккату” МФЙдаги Наврўз кўчасида жойлашган “Бешариқ Райҳон” оилавий қорхонаси томонидан давлат-хусусий шериклик таъмоилии асосида маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриш ишлари ноконунчи тарзда амалга оширилаётгани маълум бўлди.

Бу объектда тадбиркор Муҳиддин Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кунги қарори билан тасдиқланган “Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”нинг 5-банди талабларига зад равишда ишга киририлган. Тадбиркор қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисида хабарнома юбормай туриб, бино қурилишига киришган. Натияжада инспекция мутахассислари томонидан объектнинг қурилиши тўхтатилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси билан баённома расмийлаштирилди.

Бунёдкорлик — бу турмушимиз фаровонлиғи белгиси, шаҳар ва кишлоқларимиз янада кўрк очиши, янгиланиш, дегандир. Бироқ ҳар қандай соҳада бўлгани каби қурилиш ҳам қонуний белгиланган талаб ҳамда меъёрларга амал қилиниши шарт ва зарур. Буни инобатга олмаслик, эътиборсизлик ва ўзбилармонлик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади.

**Ботир МАДИЁРОВ**  
(«Халқ сўзи»).

# ОҚИЛА ВА ЎҚИМИШЛИ ОНАЛАР ХАЛҚНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТАДИ

Эҳтиёжманд инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр-эътибор кўрсатиш, йиқилганини суяш халқимиз қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятларимиздан биридир. Бугун мамлакатимизда “ижтимоий давлат” таъмоилии асосида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ана шундай чуқур илдишлардан сув ичади.

## Мушоҳада

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганидек, ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салохиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиби ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демокдир.

Шу боис биринчи навбатда, эътиборни янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз.

Мамлакатимизда кенг қўламда айни йўналишда олиб борилаётган ишлар Андижон давлат педагогика институти фаолиятига ҳам намён бўлмоқда. Олийгоҳда ишлаётган, таълим олаётган хотин-қизларни ҳар томонлама рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширяммиз. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим оли-

шини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ихросини таъминлаш доирасида 22 нафар қизга 145 млн. 257 минг 500 сўм миқдорда маҳаллий бюджетдан шартнома тўловлари тўлаб берилди.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиғи ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан талаба хотин-қизларнинг шартнома тўловлари учун фойсиз таълим кредити акратили йўлга қўйилди. Институтимизнинг магистратура босқичида ўқиётган 171 нафар хотин-қизнинг шартнома тўловлари Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб берилди. Қолаверса, олийгоҳ томонидан эҳтиёжманд талабаларга моддий жиҳатдан кўмак бериб келинмоқдаки, бу ҳам уларнинг таълими олиш имкониятларини янада яхшилаш, турли муаммоларини бартараф қилиш, етук мутахассис бўлиб қамол топишда муҳим ўрин тутуши, шубҳасиз.

Талаба қизлар, аввало, бўлажак она ёки хонадонларнинг ёш бека-ларидир. Улар таълим соҳаси би-



лан бир қаторда оила бошқаруви-дан ҳам амалий сабоқ олмоғи жоиз. Ана шу мақсадда институтимизда “Алла — ҳаёт маҳдҳяси” танлови ташкил этилган бўлиб, унда озолаб сингилларимиз фаол катнашиб келяпти.

Юртимизда хотин-қизлар билан боғлиқ қонун бузилиши ёки жиноят ҳодисалари таҳлил қилинганида уларнинг келиб чиқиш сабаблари опа-сингилларимизнинг ўз ҳақ-хуқуқларини яхши билмасликлари га бориб тақалади. Шу боис аёллар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш замон талабларидан бири. Ушбу мезондан келиб чиқиб, институтда “Гендер тенглик — ижтимоий тенденция” мавзусида давра суҳбатлари мунтазам ташкил этилмоқда. Мазкур анжуманларда талабалар бугунги кунда мамлакатимизда нозик жинс вакиллари учун яратилаётган имкониятлар, хусусан, уларнинг касб-ҳунар ўрганиши, билим олиши ҳар томонлама қўллаб-

қувватланаётгани, мавжуд қулайликлар, шу билан бирга, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кафолатлари юзасидан батафсил маълумотга эга бўлмоқда.

Фарзандларнинг шартнома тўлови асосида таҳсил олиши баъзи оилаларда молиявий муаммоларни юзгага келтириши бор гап. Лекин ўша етишмовчиликлар ёшларнинг билим олишга иштиёқини сўндирмаслиғи, руҳини ўқитмаслиғи жуда муҳим. Шунга ҳисобга олиб, институтимизда ўзига хос ечим топилади, бундан, аввало, талаба қизлар ва уларнинг ота-оналари миннатдор бўлмоқда. Гап шундаки, олийгоҳимизга қарашли “Талабалар уйи”да барча шароит яратилган бўлишига қарамай йигит-қизларнинг ўқишдан ташқари пайтардаги вақтлари бўш ўтмоқда эди. Шу боис ётоқхона биносида хоҳловчи қизлар учун тикувчилик цехини ташкил этдик. Ўнлаб қизларимиз бу ерда ишлаб, қўшимча даромад топмоқда. Аввало, ўзи, қолаверса, оиласига маддад бўлмоқда.

— Асли қўрғонтепеликман, — дейди талаба Зулфия Ҳошимова. — Ота-

онам шартнома тўловини ўз вақтида тўлаб бергани билан баъзан уйдан ўқишга қатнашда моддий қийинчиликларга дуч келардим. Бу ҳақида институтимиз раҳбарияти хабар топган яқиндагина фойдаланишга топирилган ётоқхонада яша-шимни тақлиф қилишди. Қолаверса, шу бинода фаолият кўрсата бошлаган тикувчилик цехига ишга кирдим. Бу билан оиламиздаги молиявий етишмовчилик барҳам топди. Ишлаб пўл топаётганимдан ўзимни қўшдек енгил ҳис қилаймман.

Рағбат ва эътибор самарасиз кетмайди. Институтимиз хотин-қизларига кўрсатилётган эътибор, рағмўрликлар боис олимпиада-сингилларимиз, оқила талаба қизларимиз эътирофга лойиқ ютуқларни қўлга киритмоқда. Муаззамой Абдураимова Ўзбекистон Республикаси талабалари учун таъсис этилган Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси соҳибга бўлгани бунга исботдир. Демак, биз институтимизда қизларнинг қамолоти йўлида қанчалик яхши шароит яратиб берсак, уларнинг ютуқлари салмоғи ҳам шунча ортаверлади.

Энг муҳими, хотин-қизларнинг яхши таълим-тарбия олиши бутун жамиятнинг юксалишига пойдевор яратди. Зеро, донишмандлар қайд этганидек, “Битта қиз болани ўқитсангиз — бутун оилани ўқитган бўласиз”. Оқила ва ўқимишли оналар соғлом ҳамда ақлан етук авлодни тарбиялаб, халқнинг буюк келажагини яратади.

**Бахтиёр РАСУЛОВ,**  
**Андижон давлат педагогика институтини ректори,**  
**тарих фанлари доктори, профессор.**

Реклама

## Халқ сўзи Народное слово